

ЛОЙИХА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини факат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси худудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда қуидаги ишларни мувофиқлаштиришни таъминласин:

аудитнинг халқаро стандартлари хужжатларидан давлат ва рус тилларида фойдаланишга рухсат олиш мақсадида Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан шартнома тузиш;

аудитнинг халқаро стандартлари хужжатларини давлат тилига таржима қилиш;

аудитнинг халқаро стандартларини давлат ва рус тилларида 2019 йилнинг 1 декабрига қадар ўзларининг веб-сайтларида эълон қилиш;

б) халқаро ва маҳаллий эксперктларни жалб қилган ҳолда аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш амалиёти бўйича тизимли равишда семинар-тренинглар ўтказишни ташкил этсин;

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар;

г) ушбу қарорнинг мақсад ва мазмунини 2019-2020 йилларда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

**4. Белгилансинки:**

- а) аудитнинг халқаро стандартлари хужжатларини давлат тилига таржима қилиш тадбирларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича харажатларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;
- б) семинар-тренингларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш манбаси бўлиб халқаро молиявий ташкилотлар ва институтларнинг грант ва кредит маблағлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосарига (Д.Ш.Султанов) - мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - молия вазири Д.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. Арипов**